



Ислом Нури

ўртангизда ҳам ҳаром этдим. Бир-бирларингизга зулм қилмангиз.

– Эй бандаларим, барчаларингиз залолатдасизлар. Фақат Мен ҳидоят этганларгина бундан мустасно. Мендан ҳидоят тиланг, сизларни ҳидоятга йўллайман.

– Эй бандаларим, барчаларингиз очсизлар. Фақат Мен таом берганларгина (оч эмас). Мендан таом сўрангиз, сизларни таомлантираман.

– Эй бандаларим, барчаларингиз яланғочсизлар. Фақат Мен кийинтиргангина (яланғоч эмас). Мендан кийинтиришимни сўранглар, сизларни кийинтираман.

– Эй бандаларим, сизлар кеча-ю кундуз хато қиласизлар. (Фақат) Мен барча гуноҳларни мағфират этаман. Мендан мағфират тилангиз, сизларни мағфират қиламан.

– Эй бандаларим, сизлар Менинг зараримга (яъни Менга зарар етказиш даражасига) ҳеч қачон етолмайсизлар-ки, Менга зарар берсангизлар! Менинг фойдамга ҳам асло етолмайсизлар-ки, Менга фойда берсангизлар!

– Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз орангиздаги бир энг тақводор инсоннинг қалбидек бўлса ҳам бу Менинг мулкимга ҳеч нарсани зиёда қилмайди.

– Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз энг фожир инсоннинг қалбидек бўлса ҳам бу Менинг мулкимдан бирон нарсани камайтира олмайди.



Ислом Нури

– Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз бир майдонга тўпланиб Мендан (ҳожатларини) сўрасалар ва Мен уларнинг ҳар бирига сўраган нарсасини берсам, бу Менинг ҳузуримдаги нарсаларни игна денгизга ботирилганда (денгиз сувидан) қанчалик камайтирадиган бўлса, ўшанча миқдорда камайтиради, холос.

– Эй бандаларим, мана шу амалларингиз, Мен уларни ҳисоблаб қўяман ва шунга қараб сизларга тўлиқ жазо-мукофот бераман. Ким яхши мукофотни топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Ким бошқа нарсани топса, фақат ўзини маломат қилсин!» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таолонинг буюклиги чексиз-чегарасиз ва инсон тасаввурига сиғмайди. Ҳар бир нарса Унинг мулки ва Унинг тасарруфи остида. Халқларни яратган, уларга Ўзи ризқ беради, уларнинг барча ишларини Ўзи тадбир қилади. У улардан тўла беҳожат, осийнинг осийлик қилиши Унга заррача зарар етказолмайди, итоат қилувчининг итоати Унга заррача фойда етказмайди. У зотнинг буйруқ ва қайтариқлари фақат биз бандаларнинг фойдамиз учундир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг буюклиги ва мулкининг бепоёнлиги;
2. Аллоҳ таолонинг куч-қудрати улуғлиги ва халқидан тўла беҳожат экани;
3. Халқларнинг Унинг ҳидояти, ризқ бериши ва мағфиратига қаттиқ муҳтож эканликлари.

*** Тамом. ***



Ислом Нури

330. Аллоҳ таборака ва таолонинг буюклиги ва мулкининг бепоёнлиги | 4

8 муҳаррам 1429 ҳ. 16 январ 2008 й.